

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
“2022 – 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт
стратегияси тўғрисида” 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон Фармонининг
“Инсон кадрини улуғлаш ва фаол маҳалла йили”да амалга оширишга оид
Давлат дастурида белгиланган вазифаларнинг 2022 йил I чораги давомида
ижроси юзасидан амалга оширилган ишлар тўғрисидаги
МАЪЛУМОТЛАР

Давлат дастурида Халқ таълими вазирлигига ижросини таъминлаш бўйича 20 та топшириқ юклатилган.

Хусусан:

I. 2 та (2, 6) банд Фармонда асосий ижрочи.

Фармон йўл харитасининг **9 та** (199, 204, 206, 207, 208, 209, 210, 211, 221) бандида **асосий ижрочи, 9 та** (86, 105, 249, 253, 263, 274, 276, 282, 325) бандида **хамижрочи** сифатида белгиланган.

Жумладан:

Фармоннинг асосий қисми 2-бандида Халқ таълими вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Молия вазирлиги ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва Хоразм вилояти ҳокимлиги билан биргаликда 2022 йил 1 апрелдан бошлаб биринчи-тўртинчи синф ўқувчиларини бепул овқат билан таъминлашни ташкил этиш бўйича қарор лойиҳасини Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Молия вазирлиги ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва Хоразм вилояти ҳокимлиги билан келишган ҳолда Вазирлар Маҳкамасига киритиш. Бунда, лойиҳада ажратиладиган маблағлар сарфланиши устидан жамоатчилик назоратини ўрнатиш ва коррупциявий омилларнинг олдини олиш бўйича аниқ механизмлар назарда тутилган таклифларни татбиқ этиш белгиланган.

Ушбу банд ижросини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 9 февралдаги **“Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятидаги умумий ўрта таълим муассасаларида бошланғич синф ўқувчиларини бепул овқат билан таъминлашни ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”**ги 67-сонли қарорига асосан Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида тажриба-синов тариқасида бошланғич синф (1-4-синф) ўқувчиларини 2021/2022 ўқув йилига қадар бепул овқат билан таъминлаш ишлари олиб борилмоқда.

Фармоннинг асосий қисми 6-бандида Халқ таълими вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Молия вазирлиги, Президент таълим муассасалари агентлиги ҳамда Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси билан биргаликда 2022 йилда иқтидорли ўқитувчиларнинг иш ҳақларини малака тоифасига қараб табақалаштирилган ҳолда оширилиши чораларини кўриш.

Бунда, халқаро экспертларни жалб қилган ҳолда ўқитувчиларга малака тоифаларини бериш тартиби тубдан қайта кўриб чиқилиши ҳамда малакани баҳолаш услубиёти асосида адолатли ва шаффоф тизимни жорий этиш бўйича қарор лойиҳасини Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Молия вазирлиги, Президент таълим муассасалари агентлиги ҳамда Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси билан биргаликда Вазирлар Маҳкамасига киритилишини таъминлаш топшириғи берилган.

Ушбу банд ижроси юзасидан Халқ таълими вазирлиги ва Молия вазирлиги билан биргаликда халқ таълими тизимида ишлаётган ўқитувчи ва педагогларни лавозим маошларини оширишга қаратилган чора-тадбирлар дастури ишлаб чиқилди. Бунда, умумий ўрта таълим тизимида таълим бериш ҳамда таълим соҳасининг рағбатлантириш борасида юқори натижаларга эришган хорижий давлатлар тажрибасини ўрганиш ва мамлакатимизда жорий этиш, Халқ таълими тизими **ўқитувчиларининг меҳнатига ҳақ тўлаш** ва **рағбатлантириш** бўйича **Концепция ишлаб чиқиш** белгиланди.

Давлат дастури “Йўл харитаси” бўйича

199-банди: Халқ таълими вазирлиги, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирилиги, Молия вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари умумтаълим мактаблари касб ўрганиш истагидаги битирувчиларини давлат томонидан камида бир касбни эгаллашига кўмаклашувчи тизимни жорий этиш бўйича таклифларни ишлаб чиқиши белгиланган:

уч ой муддатда умумтаълим мактабларининг юқори синф ўқувчилари таркибидан касб-хунар ўрганиш истагида бўлганларини аниқлаш ва касб-хунарга ўқитиш имкониятларини таҳлил қилиш ҳамда бу борада илғор хорижий тажрибани ўрганиш топшириғи;

Муддат: 2022 йил март (Бажарилди)

Банд ижроси юзасидан умумтаълим мактаблари ўқувчиларини касб-хунарга йўналтириш ва ўқитишни ташкил этиш бўйича дунёда етакчи бўлган **Германия** ва **Польша** давлатлари тажрибаси ўрганилди. Шунингдек, жорий йилнинг **24 февраль** куни **Беларусиянинг** етакчи ИТ компанияси **“Байскилз”** масъулияти чекланган жамияти билан ҳамкорликда ўқувчиларни касб-хунарга йўналтириш бўйича республикадаги таълим рус тилида олиб бориладиган мактабларнинг 9-11-синф ўқувчилари учун халқаро вебинар ташкил этилди.

Шунингдек, Халқ таълими ва олий таълим тизимига касбга йўналтириш дастурларини жорий этишда илғор хорижий тажрибани ўрганиш бўйича Халқ таълими, Олий таълим, Бандлик ва меҳнат муносабатлари, АКТ вазирликлари, Фанлар академияси, Ёшлар ишлари агентлигидан раҳбариятидан иборат **ишчи гуруҳ** тузилди.

Халқ таълими вазирлигининг 2022 йил 17 март **99-хдфу сон хати** орқали Ўзбекистон Республикаси **Президенти ҳузуридаги Хавфсизлик кенгашига** ва **Вазирлар Маҳкамасига** ишчи гуруҳ тўғрисида маълумот киритилди.

беш ой муддатда умумтаълим мактаблари касб ўрганиш истагидаги битирувчиларини давлат томонидан камида бир касбни эгаллашига кўмаклашувчи тизимни жорий этиш бўйича таклифлар таҳлил қилинмоқда.

Муддат: 2022 йил март (Бажарилмоқда)

Ушбу банд ижросини таъминлаш мақсадида умумтаълим мактабларини касб-хунарга ўқитиш марказлари (профессионал таълим муассасалари)га бириктириш бўйича Сурхондарё вилояти тажрибаси ўрганилмоқда.

Шу билан бирга ҳудудларда мактаб битирувчиларига касб-хунарга ўқитиш тизимини жорий этиш бўйича таклифлар олиб, таҳлил қилинмоқда.

204-банд: Янги мактаблар қуриш, хусусий мактабларни кўпайтириш, таълим сифатини оширишни назарда тутувчи давлат дастурини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш **топшириғи. Муддат: 2022 йил 30 август (Бажарилмоқда)**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “**2022-2026 йилларда халқ таълими тизимини ривожлантиришнинг миллий дастурини тасдиқлаш тўғрисида**”ги Фармони лойиҳаси ишлаб чиқилиб, ўрнатилган тартибда жамоатчилик муҳокамасига жойлаштириб аҳоли таклифлари ўрганилмоқда.

Лойиҳада, мактабларда қўшимча **1,2 млн. ўқувчи** ўрнини яратиш назарда тутилган.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “**Халқ таълими тизимидаги муассаса ва ташкилотларни қуриш, реконструкция қилиш ва мукамал таъмирлашнинг янгича механизмини яратиш чора-тадбирлари тўғрисида**”ги қарори лойиҳаси (ID 56907) ишлаб чиқилиб, вазирлик ва идоралар билан келишилиб, Адлия вазирлигининг 2022 йил 15 мартдаги 4/3-0217-сонли экспертиза хулосаси олинган.

206-банд: Мактабдан ташқари таълим тизимини ривожлантириш **топшириғи. Муддат: 2022 йил 30 август (Бажарилмоқда)**

Банднинг биринчи қисмига кўра 2022-2026 йилларда 217 та “Баркамол авлод” болалар мактабини ривожлантириш бўйича дастурни амалга ошириш белгиланган бўлиб бу бўйича Халқ таълими вазирлиги томонидан Ўзбекистон

Республикаси Президентининг “**Мактабдан ташқари таълим тизимини ривожлантириш дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида**” ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг “**Халқ таълими вазирлиги тизимидаги мактабдан ташқари таълим муассасалари ва кутубхоналарини моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ҳамда рақамли технологиялар билан жиҳозлаш бўйича 2023-2026 йилларга мўлжалланган дастурни тасдиқлаш тўғрисида**” қарор лойиҳалари ишлаб чиқилди.

Банднинг иккинчи қисмига кўра Ёшларни санъат дунёсига ошно этиш, компьютер ва ИТ технологиялари соҳасида билим ва кўникмаларга эга бўлишлари учун зарур жиҳозлар билан таъминланган **100 мингдан** ортиқ **бепул тўғарак** фаолиятини йўлга қўйиш белгиланган.

Иккинчи қисм бўйича ёшларни санъат дунёсига ошно этиш, компьютер ва **ИТ технологиялари соҳасида** билим ва кўникмаларга эга бўлишлари учун ҳозирги кунга қадар **137 783 та тўғараклар** ташкил этилди.

207-банд: Миллий ўқув дастурига асосан янги дарсликлар, машқ дафтарлари, ўқитувчи методика китоблари ҳамда мобил иловаларни яратиш ва етакчи халқаро нашриётлардан энг сара дарслик ва китобларни белгиланган тартибда харид қилиш.

Муддат: 2022 йил 30 август (Бажарилмоқда)

Миллий ўқув дастурига асосан 2022-2023 ўқув йилига **3,6,7,10 синфлар учун дарсликлар** ва ўқув-методик мажмуалар Республика таълим марказида муаллифлар гуруҳлари шакллантирилган ҳолда **янгидан яратилмоқда**.

3-синфлар учун **77 номдаги дарслик, машқ дафтари** ва ўқитувчи **методик қўлланмалари** ҳамда 3-синфлар учун **6 фандан 26 номдаги мультимедиали** иловалар яратилди.

Шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 19 майдаги 312-сон қарорига асосан 2022-2023 ўқув йилида **Кэмбридж университети** нашриётининг (*Инглиз тили - 33 номда* ва *Информатика - 14 номда*) дарсликлари ва **Герцен университети** билан ҳамкорликда яратилаётган (*таълим ўзбек ва қардош тилларда олиб бориладиган мактаблар учун Рус тили - 20 номда*) дарсликлар ва ўқув-методик мажмуалар нашр режасига киритилди ва уларни чоп этиш бўйича тендер савдолари ўтказиш учун бозор нархлари ўрганилмоқда.

Германиянинг **Клетт нашриёти** томонидан яратилган 1-11 синфлар учун немис тили дарслиklarини харид қилиш бўйича музокаралар олиб борилмоқда, уларни умумтаълим мактабларида жорий қилиш бўйича соҳа мутахассислари, Республика таълим маркази методистлари ва амалиётчи ўқитувчилардан иборат ишчи гуруҳ ташкил этилиб, дарсликлар ва ўқув-методик мажмуалар мазмунан кўриб чиқилмоқда.

208-банд: Миллий ўқув дастурида жорий қилинаётган янги методикалар бўйича ўқитувчиларнинг малакасини ошириш учун махсус видеодарслар яратиш **топшириғи**. *Муддат: 2022 йил 1 декабр* (Бажарилмоқда).

Миллий ўқув дастурида жорий қилинаётган янги методикалар асосида ўқитувчиларнинг малакасини ошириш тизимини жорий этиш ва мазкур курсларни видеоконтентини яратиш бўйича ишчи гуруҳи шакллантирилди. Мазкур ишчи гуруҳ томонидан ўқув дастури асосида видеодарслар яратиш ва **“Ўзлуксиз касбий таълим”** электрон платформасида видеодарсларни жойлаштириш вазифалари белгилаб олинди.

Шунингдек, А.Авлоний номидаги илмий-тадқиқот институтининг **“Ўзлуксиз касбий таълим”** электрон платформасида Миллий ўқув дастури ва ушбу дастур асосида янги методикаларни ўқув жараёнида қўллаш олиш кўникмаларини шакллантириш бўйича барча фан йўналишлари учун курс контентларини жойлаштириш қисми яратилди.

Айни вақтда ушбу платформада **“Оммабоп курслар”** қисмига **“Миллий ўқув дастури мазмун ва моҳиятини ўрганиш асослари”** малакасини ошириш курси юзасидан **26 та** (38 %) видеодарс жойлаштирилди.

2022 йил март ойи ҳолатига ушбу малака ошириш курсига **53 796 ўқитувчи** рўйхатдан ўтиб, улардан **6 295 нафар** ўқитувчилар ушбу курсни муваффақиятли тугатди.

209-банд: Ўқитувчиларнинг ойлик маошини босқичма-босқич оширишга қаратилган аниқ қадамларни белгилаш **топшириғи**.

Муддат: 2022 йил 30 август (Бажарилмоқда).

Халқ таълими вазирлиги ва Молия вазирлиги билан биргаликда халқ таълими тизимида ишлаётган ўқитувчи ва педагогларнинг лавозим маошларини оширишга қаратилган чора-тадбирлар дастури ишлаб чиқилди.

Бунда, умумий ўрта таълим тизимида таълим бериш ҳамда таълим соҳасининг рағбатлантириш борасида юқори натижаларга эришган хорижий давлатлар тажрибасини ўрганиш ва мамлакатимизда жорий этиш, Халқ таълими тизими ўқитувчиларининг **меҳнатига ҳақ тўлаш ва рағбатлантириш бўйича Концепция ишлаб чиқиш** белгиланди.

210-банд: Мактаб ўқитувчиларини белгиланган халқаро стандартлар асосида билим ва кўникмаларга эга бўлишини таъминлаш **топшириғи**. *Муддат: 2022 йил 30 август* (Бажарилмоқда).

1. Таълим сифатини назорат қилиш Давлат инспекцияси ва Давлат тест маркази билан биргаликда педагогларни сертификациялаш мақсадида, халқаро тажрибани ўрганган ҳолда, сертификацияга бўлган талаблар ишлаб чиқилмоқда.

2. Халқ таълими тизимидаги педагог ходимларнинг эҳтиёжи ҳамда илғор хорижий тажрибаларни ўрганиш асосида касбий фаолиятга доир **7 та компетенция** белгилаб олинди ҳамда халқ таълими педагог ходимининг касбий билим, кўникма ва малакаларини аниқлаш бўйича диагностика механизми ишлаб чиқилди.

Айни вақтда республика бўйича умумий ўрта таълим мактабларида фаолият кўрсатаётган **53 796 нафар** (27%) тоифага эга бўлмаган ўқитувчилар “**Узлуксиз касбий таълим**” электрон платформасидан рўйхатдан ўтказилиб, **6 493 нафар** (12%) педагогларнинг билим ва кўникмалари диагностикадан ўтказилди.

3. Узоқ ва тоғли туманларда жойлашган умумий ўрта таълим муассасаларида педагог кадрларга бўлган бўлган эҳтиёжни аниқлаш мақсадида Халқ таълими вазирлигининг жорий йил 10 мартдаги **06-01/3-770-сон хати** ҳудудий бошқармаларга ижро учун юборилди.

Ҳудудий бошқармалардан олинган маълумотлар асосида жорий йилнинг апрель ойида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш бўйича Давлат комиссиясига узоқ ва тоғли туманларда жойлашган умумий ўрта таълим муассасалари учун зарур педагог кадрларни мақсадли қабул қилиш юзасидан таклиф киритилади.

4. 2022 йил 1 март куни Халқ таълими вазирлиги ва Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси билан биргаликда 2021 йил 15 октябрдаги 646-сон Вазирлар Маҳкамаси қарори талабларига мувофиқ **Таълим сифати даражаси юқори бўлмаган мактаблар рўйхати** тасдиқланди.

Тошкент вилоятини мактаб таълими ислоҳотларининг намунасига айлантириш бўйича алоҳида дастурни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, “**Янги Ўзбекистон устозлари**” дастурини ҳаётга жорий этиб, вилоятдаги таълим сифати паст мактабларга 2022-2023 ўқув йилида бошқа ҳудудлардан энг малакали ўқитувчиларни ишга жалб қилиш юзасидан Вазирликнинг хати Тошкент вилояти халқ таълими бошқармасига юборилди (28.02.2022 й. 02-02/2-282-сон).

5. Мактабларда режали ва режадан ташқари ўтказиладиган текширувларни тартибга солиш бўйича таклифлар тайёрланмоқда.

211-банд: Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида тажриба-синов тариқасида бошланғич синф (1-4-синф) ўқувчиларини бепул овқат билан таъминлаш тизимини жорий этиш **топшириғи**.

Муддат: 2022 йил март (Бажарилди).

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 9 февралдаги “**Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятидаги умумий ўрта таълим муассасаларида бошланғич синф ўқувчиларини бепул овқат билан таъминлашни ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида**”ги 67-сонли қарорига асосан Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида

тажриба-синов тариқасида бошланғич синф (1-4-синф) ўқувчиларини 2021/2022 ўқув йилига қадар бепул овқат билан таъминлаш ишлари олиб борилмоқда.

Халқ таълими вазирлигининг 2022 йил 30 мартдаги **03-05/4-1628-сонли хати** билан Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятларидаги мактаблар, уларда таълим олаётган 1-4 синф ўқувчилар сони, мактабларнинг навбатлилиги, мактаб ошхоналарининг ўқувчи ўрни, таъмирлаш ва жиҳозлаш бўйича шакллантирилган таклифлари **Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, Хоразм вилояти ҳокимлиги ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига** юборилди.

221-банд: Глобал инновацион индексда қайд этилган паст индикаторлар бўйича Ўзбекистон позициясини яхшилаш, бунда келгуси йилларда мавжуд 81 та индикаторнинг 15 та - ўзгармаган, 19 та - пасайган, 13 та - маълумот тақдим этилмаган кўрсаткичлар бўйича ижобий натижаларни қайд этиш чораларини кўриш **топшириғи**.

Муддат: 2022 йил март (Бажарилди).

Халқ таълими вазирлиги, Молия вазирлиги ва Давлат Статистика қўмитаси билан биргаликда Юнеско статистика институтининг йиллик сўровномалари асосида маълумотлар шакллантирилди.

Халқ таълими вазирлигининг 2022 йил 25 февралдаги 04-04/1-144-сонли хати билан шакллантирилган маълумотлар Юнеско статистика институтига тақдим этилиши учун Давлат статистика қўмитасига юборилди.

Давлат статистика қўмитасининг 2022 йил 28 февралдаги 01/1-06-12/3-43-сонли хати билан маълумотлар Юнеско статистика институтига тақдим этилди.

Халқ таълими вазирлигининг Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигига 2022 йил 21 февралдаги 02-04/1-223-сон хати ҳамда Ахборот коммуникация технологияларини ривожлантириш вазирлигига 2022 йил 21 февралдаги 02-04/1-224-сон хатлари орқали тегишли маълумотлар тақдим этилди.

II. Ҳамижрочи сифатида белгиланган бандлар 9 та (86, 105, 249, 253, 263, 274, 276, 282, 325) бугунги кунга келиб **5 та** банд ижроси таъминланган, **4 та** банд бўйича ишлар амалга оширилмоқда.

Булар,

86-банд: Электротехника саноатида юқори қийматли маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажмини 2 бараварга ва экспортини 3 бараварга ошириш **топшириғи**.

Муддат: 2022 йил йил давомида (Бажарилмоқда).

Худудий халқ таълими бошқармалари, туман (шаҳар) халқ таълими бўлимлари ва мактаб психологлари томонидан **ўқувчиларни касб-ҳунарга**

йўналтириш мақсадида 2022 йилнинг январь ойидан ҳозирги вақтга қадар 490 та экскурсиялар ташкил этилди.

105-банд: Давлат-хусусий шериклик асосида энергетика, транспорт, соғлиқни сақлаш, таълим, экология, коммунал хизматлар, сув хўжалиги ва бошқа соҳаларга 14 млрд. АҚШ доллари инвестицияларни жалб этиш топшириғи.

Муддат: Лойиҳа муддатлари 10-30 йил (Бажарилмоқда).

1. Осиё тараққиёт банки билан ҳамкорликда давлат-хусусий шериклик асосида Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида 16 та давлат умумтаълим мактабларини ташкил этиш бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти қарори лойиҳаси ишлаб чиқилиб манфаатдор вазирлик ва идоралар ҳамда Вазирлар Маҳкамаси билан келишилган.

Қарор лойиҳаси Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига киритилган.

2. Халқаро молия корпорацияси билан ҳамкорликда давлат-хусусий шериклик асосида давлат умумтаълим мактаблари ташкил этиш бўйича дастлабки ўрганиш ўтказилди.

Ушбу ўрганишлар натижасида Халқаро молия корпорацияси томонидан ДХШ асосида янги мактабларни қуриш бўйича Самарқанд ва Андижон вилоятлари танлаб олинди.

249-банд: Олимпия ва миллий спорт турлари бўйича 3 босқичли мусобақаларни умум республика миқёсида ўтказиш чора-тадбирларини амалга ошириш топшириғи.

Муддат: 2022 йил 1 апрель (Бажарилмоқда).

Олимпия ва миллий спорт турлари бўйича 3 босқичли мусобақаларни умумреспублика миқёсида ўтказиш чора-тадбирларини амалга ошириш бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти қарори лойиҳасига вазирлик томонидан таклифлар тайёрланмоқда.

253-банд: Хотин-қизларни тизимли қўллаб-қувватлаш борасидаги ишларни янада жадаллаштириш топшириғи.

Муддат: 2022 йил 25 февраль (Бажарилди).

Халқ таълими вазирлигининг 2022 йил 17 февраль 04-06/1-120-сонли хати билан Давлат дастури 253-банди юзасидан Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг жамият ҳаётидаги фаол иштирокини таъминлаш бўйича таклифлар Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлигига юборилди.

263-банд: Ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш тадбирларини янада кучайтириш топшириғи.

Муддат: Мунтазам равишда (Бажарилди).

Халқ таълими вазирлиги томонидан умумтаълим мактабларида чақирувга қадар бошланғич тайёргарлик фанининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш бўйича таклифлар шакллантирилди.

Мазкур таклифлар Халқ таълими вазирлигининг 2022 йил 15 февралдаги **06-06/3-601-сонли хати** билан **Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигига** юборилди.

274-банд: Атоқли Ўзбекистон халқ рассомларининг намунали ҳаёти ва ижодини кенг тарғиб қилиш ҳамда улар хотирасини абадийлаштириш.

Муддат: *йил давомида* (Бажарилмоқда).

Халқ таълими вазирлигининг 2022 йил 21 февралдаги **03-04/3-879-сонли хати** билан **Ўзбекистон Бадий академиясига** Фармоннинг 274-банди юзасидан таклифлар юборилди.

Унга кўра **Чингиз Ахмаровнинг 110 йиллиги** ва **Зинаида Ковалевскаянинг 120 йиллиги** муносабати билан “Баркамол авлод” болалар мактабларининг тасвирий санъат тўғарақлари аъзолари ўртасида ҳудудларда **“Ижоднинг тилсими”** мавзусида расмлар танловини ўтказиш бўйича тавсия берилди.

276-банд: Тасвирий ва амалий санъат ҳамда дизайн йўналишларида етук мутахассисларни тайёрлаш тизимини такомиллаштириш **топшириғи**.

Муддат: *2022 йил 1 май* (Бажарилди).

Халқ таълими вазирлигининг 2022 йил 21 февралдаги **03-04/3-878-сонли хати** билан **Ўзбекистон Бадий академияси** томонидан ишлаб чиқиладиган Ўзбекистон Республикаси Президенти қарори лойиҳасига таклифлар юборилди.

Бунда, “Баркамол авлод” болалар мактаблари моддий-техника базасини яхшилаш ҳамда тўғарақ раҳбарлари ва услубчилари учун ҳар ойда бир марта маҳорат машғулотлари ўтказиб бориш ва ушбу жараён билан боғлиқ маблағларни йиллик харажатлар сметасига киритиш;

“Баркамол авлод” республика болалар мактабига **Миллий рассомчилик ва дизайн институтини бириктириш** ва шу каби таклифлар киритилди.

282-банд: Тарих фанини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини амалга ошириш. **топшириғи** **Муддат:** *2022 йил 25 октябр* (Бажарилди).

Ўзбекистон Республикаси Президентининг **“Ўзбекистон Республикасида тарих фанини 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси тўғрисида”**ги қарори лойиҳасини ишлаб чиқиш бўйича таклиф ва номзодлар Республика таълим марказининг 2022 йил 24 февралдаги **1/11-01/11-229-сонли хати** билан **Фанлар академиясига** тақдим этилди.

228-банд: Фуқароларнинг ахборот коммуникация воситаларидан фойдаланиш маданиятини ошириш **топшириғи**.

Муддат: *2022 йил 25 июнь* (Бажарилмоқда).

Ўқувчиларда сохта ахборотни тўғрисида фарқлаш, сохта ва нотўғри маълумот тарқатмаслик, ахборотни таҳлил қилиш, хабарларни исботлаш ва танқидий фикрлаш кўникмаларни шакллантириш мақсадида **10-11-синфлар** учун жорий этилган “**Тарбия**” фани дарсликларида медиасаводхонликка оид мавзулар киритилган.

Бундан ташқари, бугунги кунда тегишли вазирлик ва идоралар билан ҳамкорликда медиа-таълимни жорий этиш соҳасидаги илғор хорижий тажрибалар ўрганилмоқда ва таълим жараёнига татбиқ этиш бўйича тегишли ишлар амалга оширилмоқда.